

---

## Ғалла мавсуми илғорлари муносиб тақдирланди

Бугун Бағдод туманидаги “Қишлоқ хўжалик техника МТП” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ғаллачилик кластери корхонасида ўрим мавсуми якуни муносабати билан тадбир ташкилланди. Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят ва туман сектор раҳбарлари қатнашиб, жорий йилги ғалла мавсумида алоҳида жонбозлик кўрсатган отряд раҳбарлари, комбайн операторлари, ҳайдовчилар, сувчи-механизаторлар, шунингдек, давлатга дон сотишда юқори натижа қайд этган фермер хўжаликлари раҳбарлари меҳнатини муносиб эътироф этдилар.

- Фермер манфаат учун ишлайдиган давр келди, - деди Х.Бозоров. – Буни Бағдод тумани фермерлари мисолида ҳам яққол кўрдик бу йил. – Биргина ғаллачиликдан юз миллионлаб даромад олаётган чинакам деҳқонларимиз сафи кенгайиб боряпти. Ҳалол меҳнати эвазига ўндан зиёд фермер замонавий автомашина харид қилди, эл-юртга тўй берди. Айниқса, Бағдодда мавсум давомида 2 мингдан зиёд эҳтиёжманд оиллага 300 тоннадан зиёд буғдой, 38 минг дона сомон боғлами бепул тарқатилгани бошқа туманлар учун намуна бўлди. Ўйлайманки, ёш ва ғайрат-шижоатли раҳбар билан бағдодликлар ҳали кўпгина меҳнат марраларини забт этадилар.

“Қишлоқ хўжалик техника МТП” МЧЖ шаклидаги ғаллачилик кластери таъсисчиси Азизбек Шарипов яна бир хайрли ташаббус билан чиқди: кластер корхонаси тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 300 та оиланинг ҳар бири учун банкда махсус ҳисобрақам очиб, 1 млн. сўмдан омонат қўяди.

Тадбирда бу йилги даромади ҳисобидан автомашина сотиб олиш истагида бўлган фермерларга автомашина калитлари, шунингдек, мавсумнинг бошқа илғорларига қимматбаҳо эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

- Мавсум давомида 170 гектардан ортиқ майдонда ғалла ўрими олиб бордик, - отряд раҳбарларидан бири Жонибек Хаджаев. – Албатта, хирмонимиз юксалишида, халқимиз фаровонлигини ошириш ва ризқ-рўзини яратишда озгина бўлсаям ҳисса қўшганимиздан мамнунмиз. Мана, меҳнатимиз самарасини кўриб турибмиз. Раҳбарларимизнинг эътирофи, ишончи бизга куч беради.

Тадбирда элимиз ардоғида бўлган санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2022-08-04 19:30:49